

Фузул иттифоқи



10:53 / 30.01.2022 2214

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккадаги ёшлик пайтларини эслаб шундай дейдилар:

«Амакиларим билан Абдуллоҳ ибн Жудъоннинг уйида бир иттифоқнинг гувоҳи бўлганман. Унинг бадалига менга қизил туя беришларини ҳам истамас эдим!».

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам назарда тутган иттифоқ Фузул иттифоқидир. Бунинг ҳикояси қуйидагича:

Ямандаги Зубайд қабиласидан Маккага бир киши сотиш учун ўзининг молини олиб келади. Ундан молни Ос ибн Воил сотиб олади. Аммо Ос айтилган пулни ҳалиги Яманликка бермайди. У киши қурайшнинг катталарига шикоят қилади. Аммо улар Ос ибн Воилнинг ҳурмати баландлиги учун Яманликка ёрдам беришмайди. Шунда ҳалиги Яманлик киши Абу Қубайс тоғига чиқиб шундай деб шеър ўқийди (насрий маъноси):

«Одамлардан ҳайронман! Киши Маккадан узоқда, қариндошлари ва яқинларидан айро ҳолда молдан ажралиб қолди. У эҳромли ва сочлари тўзиган ҳолатда эди. Умрасини ҳам адо қилмаган эди. Ҳижр ва ҳажарул асвад орасида туриб қолди. Масжидул ҳаром буюкларникидир. Бу масжид фосиқ ва ғаддор кишиларники эмас!».

Унинг бу шикояти ва фарёдини биринчи бўлиб Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг амакилари Зубайр бин Абдулмуттолиб эшитди. Бу амакилари Ислом келишидан олдин вафот қилган эди. Зубайр одамларга: «Бу мусофирга ёрдам бермасдан ўз ҳолига ташлаб қўйишимиз биз учун айбдир!», деди. У одамларни Абдуллоҳ ибн Жудъоннинг уйида жамлади. Улар ана шу ерда Фузул иттифоқини тузишди. Улар Маккада мазлумнинг ҳаққини бировда қолдирмасликка ўзаро аҳд қилишди. Сўнг биргалашиб бориб Ос ибн Воилдан унинг ҳаққини олиб беришди. Шунинг учун Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам кейинчалик бу иттифоқ ҳақида: «Исломда ҳам бунга ўхшаган нарсага чақирилганимда албатта ижобат қилар эдим!», деган эдилар.

Бунинг маъноси шу эдики, Расулulloҳ соллоҳу алайҳи васалламдан мусулмон бўлмаган жамоа мазлумга ёрдам беришларини сўрашганида ҳеч бир тараддудсиз уларнинг талабига ижобат қилган бўлар эдилар.

Бу қиссадан шуни билишимиз мумкинки, арабларда жоҳилият даврида ҳам гўзал хулқлар бўлган. У хулқларни Ислом ҳам мақтаган. Ислом жоҳилият давридаги ширкни, рибони, қотилликни, қизларни тириклайин кўмишни ва фитрат ва ахлоққа зид бўлган барча нарсаларни бекор қилди. Аммо улардаги гўзал ахлоқларга тегмади. Набий соллalloҳу алайҳи васаллам: «Гўзал хулқларни камолига етказиш учун пайғамбар қилиб юборилдим!», деган эдилар. Бу дегани, пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам пайғамбар бўлган вақтларида ҳам гўзал хулқлар арабларда бор эди. Мўъмин киши ғайридинларда кўрган гўзал хулқни эътироф қилса бу айб бўлмайди. Бу адолат бўлади!

Мардлик ва гўзал хулқларга барча пайғамбарлар даъват қилишган. Аммо мусулмон бўлмаган кишиларда ҳам мардлик ва гўзал хулқлар бўлиши мумкин экан. Бу иш соғлом фитратдан. Бу фитратни эса Аллоҳ таоло яратган. Аслида эса мусулмон инсоннинг номард ва бузуқ хулқли бўлиши ажабланарлироқдир!

Абдулқодир Полвонов